

Бир чўпон даладан кайтаётганда, катта арикнинг нариги ёгидаги тўкайга ўт кетганини кўрибди. Бир вақт сув бўйига келиб караса, камиш ичида бир катта илон вишиллаб куйиб кетаётган эмиш. Чўпоннинг раҳми келибди, кўлидаги узун таёкнинг учига халтани бойлаб илон томонга узатибди. Илон жон холатда ўзини халтага урибди, чўпон халтани тортиб олиб, огзини очибди, илонни ерга туширибди. Шу пайт чўпоннинг оёгига чирмашиб олибди. Чўпон хайрон бўлиб:

— Нима килмокчисан? — деб сўрабди илон.

— Мен сени чакаман, — дебди. Чўпон:

— Мен яхшилик килиб сени ўлимдан куткардим-ку, сенга яхшилик килган одамни чакасанми?—дебди. Шунда илон:

— Мен билмайман, менинг вазифам чакиш, захар солиш, менда бундан бошка хунар йўк, — дебди. Чўпон:

— Тўхта, бўлмаса, бирорта одамдан «яхшиликка яхшиликми ёки ёмонликми?» деб сўрайман, у нима деса, ўшанга караб иш тутамиз, — дебди.

Чўпон йўлда давом этибди. Илон эса чўпоннинг оёгига чирмашиб кетаверибди. йўлда ўтлаб юрган бир орик сигир дуч келибди. Шунда чўпон:

— Эй сигир, яхшиликка яхшиликми ёки ёмонликми? — деб сўрабди. Сигир жавоб берибди:

— Албатта яхшиликка ёмонлик. Мен ёшлигимда хар куни уч махал сут берардим.

Хўжайиним яхши кўрар эди. Энди мен каридим, сут бермай кўйдим, ориккладим. Эртага мени кассобга сотиш учун бозорга олиб борадилар, — дебди. Шунда илон:

— Ана, менинг айтганим тўгри чикдими?! Энди сени чакаман, — дебди. Чўпон:

— Яна бир сўраймиз, кейин чаксаиг хам майли! — дебди. Улар йўлда бир олма дарахтига дуч келишибди. Олма дарахтининг шохлари синган, таги тўла тош, кесак экан.

Чўпон олма дарахтидан сўрабди:

— Эй дарахт, яхшиликка яхшиликми, ёки ёмонликми? Дарахт:

— Эй, дўстлар, албатта яхшиликка ёмонлик. Масалан, мени олинг, ёшлигимда кўп мева берар эдим, ўтган-кетган одам тош отиб, болалар устимга чикиб шохларимни синдириб шу ахволга солишди. Энди мени кесиб ўтин килишмокчи. Бу яхшиликка яхшиликми? — дебди. Илон:

— Ана, эшитдингми, энди чакаман, — дебди. Чўпон:

— Йўк, яна бирор кишидан сўрайлик, — дебди. Йўлда кетишаётса, бир тулки учрабди.

— Хой тулки, тўхта, бизлар сендан бир савол сўрамокчимиз? — дебди чўпон.

Тулки тўхтаб караса, бир катта илон одамнинг оёгига чирмашиб «чакаман» деб ёпишиб турган эмиш. Тулки:

— Нима гап? — деб гох илонга, гох чўпонга карабди. Чўпон сўз бошлабди:

— Эй тулқивой, мен мана бу илонни ўлимдан куткариб колган эдим. Энди у эса, мени чакмокчи, шу хам инсофми? — дебди. Тулки:

— Кандай килиб уни ўлимдан куткардинг? — деб сўрабди.

— Тўкайга ўт тушган эди. Ўт ичида илонни кўриб раҳмим келди, бир ёгочнинг учига мана бу халтани боглаб илон томон узатдим, у халтага кирди, тортиб олдим, — деб жавоб берибди. Шунда тулки ках-ках уриб кулиб юборибди, чўпонга:

— Шу кичкина халтага катта илоннинг сикканига мен хайрон бўлиб кулиб юбордим, — дебди. Илон «ха, мен сиг дим», — дебди. Тулки:

— Бўлмаса, яна халтага тушиб кўр-чи, сигармикансан ёки йўкми? — дебди. Илон мактаниб:

— Мана кўр, мен сигаман, — деб чўпоннинг халтасига кирибди. Тулки чўпонга кўзини кишиб:

— Халтанинг огзини махкам богла, кўтариб айлайтириб ерга ур! — дебди.

Чўпон тулкининг айтганини килиб, илондан кутулибди. Яна ўз ишига равона бўлибди.